

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ТУРСУНОВА РАВШАНОЙ АРТИКЖАНОВНА**

**ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОПЕРАЛАРИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)  
on art history**

<b>Турсунова Равшаной Артикжановна</b> Ғарбий Европа операларида Амир Темур образи.....	5
<b>Турсунова Равшаной Артикжановна</b> Образ Амира Темура в западноевропейской опере.....	28
<b>Tursunova Ravshanoy Artikjanovna</b> The image of Amir Temur in the Western European Opera.....	53
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ТУРСУНОВА РАВШАНОЙ АРТИКЖАНОВНА**

**ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОПЕРАЛАРИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/San51 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.konservatoriya.uz](http://www.konservatoriya.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович**  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Азимова Арзу Нишановна**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Дилором Каромат**  
санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги фалсафа доктори PhD илмий даражасини берувчи 03/30.12.2019.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхотоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; e-mail: [info@konservatoriya.uz](mailto:info@konservatoriya.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Хамидова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Ш.И.Айходжаева**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**Р.Ю.Юнусов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тарихида улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижоди, серқирра фаолиятлари, бизга қолдирган бой маънавий битикларини теран ва ҳолисона тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Беназир саркарда, илму-фан ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темурнинг ёрқин сиймоси, серқирра фаолиятини ўрганиш ҳам ана шу изланишлар марказидан ўрин олади. Жаҳонда Амир Темур шахсига нисбатан асрлар давомида сўнмай келган эътибор, кўплаб илғор драматург ва ёзувчиларни, композитор ва либретточиларнинг диққатини жалб этиб, буюк шарқ қаҳрамони мавзусига бағишланган асарлар яратилишига асос бўлди.

Чет элнинг давлат ва нодавлат, хусусий кутубхоналарида Амир Темур бош асар қаҳрамони сифатида эълон қилинган кўплаб бадиий, саҳнавий ва мусиқий асарлар аниқланган, аммо бирорта намуна шу кунга қадар на Европа ва на Шарқ мусиқашунослигида атрофлича таҳлил этилмагани илмий тадқиқот ишларини олиб бориш заруратини белгилайди. Композиторлик ижодиётида Амир Темур образи асрлар давомида оммалашганига қарамай, махсус илмий тадқиқот доирасида ханузгача ўрганилмаган. Мавжуд маълумотлар парчаланган ҳолда, қисман чет-эллик библиографлар ишларида, бадиий санъатининг муаммо ва масалаларини ёритувчи тадқиқотларида, мусиқашунос ва композиторларнинг ўзаро ёзишмаларида сақлаб қолинган.

Ўзбекистон ижодий ва ижрочилик амалиётида Ғарбий Европа ижодкорларининг машҳур бўлган ноёб, юқори бадиий намуналари тадқиқ этилиши улуғ бобокалонимизни миллатимиз ва умуминсоният тарихида фахрли ва салобатли ўрнини холисона ва теран идрок этиши учун ўта муҳим. «Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маданий кадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш»<sup>1</sup>, Амир Темурни мусиқий-саҳнавий асарлардаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш, жаҳон илми ва ўзбек санъатшунослигининг тарихий, назарий ва амалий масалаларни ўрганишининг заруриятини изоҳлайди. Кенг миқёсда, Амир Темур образи тадқиқ этилиши Шарқ ва Ғарб муаммоси кесимида ўзга илм соҳалари учун муҳим бўлган кўплаб қирраларини ойдинлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3022-сонли, 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 28.11.2018 й. ПҚ-4038-сон Қарори. <http://www.lex.uz/docs/4084926>.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3178-сонли, 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сонли, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарбий Европа композиторлик ижодиётида Амир Темур образи талқини масаласи жаҳонда деярли ўрганилмаган мавзулар сирасига киради. Мазкур мавзунини атрофлича очиб беришга хизмат қилувчи муайян маълумотлар айрим мусиқий-сахнавий асарларга тааллуқли тадқиқот ва мақолаларда, ўрганилаётган давр, айниқса, барокко ва классицизм санъати ҳамда опера ижрочилиги масалаларини очиб берувчи манбаларда, баъзи композиторлар ижодига бағишланган монографик асарларда, шунингдек, ўзга санъат – театр ва бадиий адабиётлар кесимида тақдим этилган нашрларда маълум даражада акс этилган.

Диссертация ғояларини шакллантиришда опера санъати ва ижрочилиги билан боғлиқ тадқиқотлар ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, П.Луцкер ва И.Сусидко<sup>2</sup>, Э.Симонова<sup>3</sup>, Е.Лучина<sup>4</sup>, О.Емцова<sup>5</sup>, Г.Куколь<sup>6</sup>, М.Сидорова<sup>7</sup>, Е.Юнеева<sup>8</sup> ва А.Стахович<sup>9</sup>ларнинг асарлари бўлиб уларда айнан XVII-XVIII<sup>10</sup> аср италийан операси махсус ўрганиш объектига айланган.

---

<sup>2</sup> Луцкер П., Сусидко И. Итальянская опера XVIII века. – М.: Классика-XXI, Ч. 1, 1998 – С. 440; Ч.2, 2004. – С. 768.

<sup>3</sup> Симонова Э. Певческий голос в западной культуре: от раннего литургического пения к bel canto. 17.00.02 Автореф. докт. дис. – М.: Московская государственная консерватория им. П.И.Чайковского, 2005. – С. 41.

<sup>4</sup> Лучина Е. Оперы Алессандро Скарлатти (к вопросу о специфике жанра и музыкальной драматургии). Дисс. канд. искусствоведения. – М.: 1996. – С. 28.

<sup>5</sup> Емцова О. Венецианская опера 1640-х – 1670-х гг.: поэтика жанра. 17.00.02 Автореф. кан. дис. – М.: 2005. – С. 26.

<sup>6</sup> Куколь Г. Итальянская опера первой половины XVII века. Драматургия. Стыль. Жанрообразующие процессы. 17.00.02 Автореф. кан. дис. – Киев, 1989. – С. 20.

<sup>7</sup> Сидорова М. Портрет героя в западноевропейской опере XVII-XVIII вв.: Проблемы формирования и эволюции. 17.00.02 Автореф. кан. дис. – Магнитогорск, 2002. – С. 23

<sup>8</sup> Юнеева Е. Музыкальная культура Италии XVII-XVIII вв.: феномен барочной оперы. 24.00.01 Автореф. кан. дис. – Волгоград, 2015. – С. 31

<sup>9</sup> Стахович А. Искусство bel canto в итальянской опере XVII-XVIII веков. – Харьков, LAP Lambert Academic Publishing, 2000. – С. 155

<sup>10</sup> Музыкальная эстетика Западной Европы XVII-XVIII веков. / под редак. В. Шестакова. – М.: Музыка, 1971 – С. 688

Ўзбек муסיқашунослигида мазкур мавзуга биринчи бўлиб эътибор қаратган олим санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Ғофурбеков<sup>11</sup> ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб масаласи кесимида Амир Темур образи ва унинг муסיқий-сахнавий талқини олим томонидан эълон қилинган қатор халқаро илмий анжуманлар тезислари ва махсус тўпламларда нашр юзини кўрган мақолаларда акс этган. Амир Темур ва темурийлар давридаги маданият ва санъатни ёритишда академик Э.Ртвеладзе<sup>12</sup>, санъатшунослик фанлари докторлари – А.Назаров<sup>13</sup>, М.Қодиров<sup>14</sup>, Д.Раҳматуллаева<sup>15</sup> каби олимлар тадқиқотларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу мавзунини атрофлича ёритишда ватандош олимларнинг ўзга соҳалардаги изланишлари ҳам кўмакчи манба сифатида диссертациямизга хизмат қилди.

Турли йилларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар тўпламларида ва бошқа илмий нашрларда чоп этилган А.Саидов<sup>16</sup>, А.Джумаев<sup>17</sup>, М.Хамидова<sup>18</sup>, Т.Расулова<sup>19</sup>, С.Бегматов<sup>20</sup>, А.Алимбеков<sup>21</sup>, М.Холбеков<sup>22</sup>, Ш.Ўлжанова<sup>23</sup>, З.Саттарова ва Ф.Саттаров<sup>24</sup>, М.Али<sup>25</sup>, Д.Азизова<sup>26</sup>, Ж.Бўтаев<sup>27</sup> ва О.Бўриев<sup>28</sup> каби олимларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир. Ўзбек адабиётшунослиги соҳасида Соҳибқирон образи

---

<sup>11</sup> Ғофурбеков Т. Амир Темур сиймоси талқинлари: ҳақиқат ва бадийат. // Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган Халқаро Симпозиум материаллари. – Т.: 1997. – Б.153-157

<sup>12</sup> Ртвеладзе Э., Саидов А. Амир Темур в зеркале мировой науки – Т.: Мир экономики и права, 1999. – С. 109

<sup>13</sup> Назаров А. Темурийлар даврида ҳарбий муסיқа. // Гулистон – Т.: 1997. – №4 – С. 11-12

<sup>14</sup> Қодиров М. Темурийлар даври томоша санъатлари. – Т.: Санъат, 2007. – Б. 216

<sup>15</sup> Раҳматуллаева Д. XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатида тарихий драма (шаклланиш ва ривожланиш муаммолари) 17.00.01 Сан. докт. дисс. автореф. – Т.: 2004. – Б. 49

<sup>16</sup> Саидов А. Амир Темур сиймоси – жаҳон операнавислигида. // Жаҳон адабиёти – Т.: 2015. – №4 – Б. 163-167

<sup>17</sup> Джумаев А. Ислам и музыка. // Музыкальная академия.–Ташкент, 1992.–№ 3. – С. 24-34

<sup>18</sup> Хамидова М. Санъат асарлари таҳлили, танқиди ва тарғиби. – Т.: ЎзДСИ, 2009. – Б. 218

<sup>19</sup> Расулова Т. Амир Тимур – Светоч Азии, или знаки судьбы Сахибкирана.– Т.: «Musiq», 2011. – С. 355

<sup>20</sup> Бегматов С. «Зафарномада муסיқага оид маълумотлар» («Музыкальные сведения в «Зафар-наме»). / Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши. VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Mashhur-press, 2016. – Б. 55-65

<sup>21</sup> Алимбеков А. Ғарб шеърлятида Амир Темур сиймоси. / Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 86-89

<sup>22</sup> Холбеков М. Ғарб адабиётида соҳибқирон Амир Темур образи / Темурийлар тарихига оид манбалар – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 118-125

<sup>23</sup> Ўлжанова Ш. Хорижий тадқиқотлар Амир Темур салтанати тарихи хусусида. / Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 96-102

<sup>24</sup> Саттарова З., Саттаров Ф. Источники трагедии «Тамерлан Великий» Кристофера Марло / Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 6-китоб – Т.: Akademnashr, 2013. – Б. 198-205

<sup>25</sup> Али М. Француз тарихчисининг Амир Темур ҳақидаги асари. / Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 6-китоб – Т.: Akademnashr, 2013. – Б. 192-194

<sup>26</sup> Азизова Д. Инглиз тилида чоп этилган адабиётлар. / Темурийлар даврида илм, фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 110-126

<sup>27</sup> Бўтаев Ж. Хориж тарихшунослигида темурийлар даври илм-фаннинг ўрганилишидаги ёндашувлар. / Темурийлар даври: тадқиқотлар ва муаммолар – Т.: Навруз, 2014. Б.52-60

<sup>28</sup> Бўриев О. Ғарб олимлари томонидан ёзилган тадқиқотлар. / Темурийлар даврида илм, фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти – Т.: Akademnashr, 2015. Б. 85-86

талқинларига бағишланган Б.Эрматовнинг<sup>29</sup> докторлик ва Х.Кароматов<sup>30</sup>, М.Хамраеваларнинг<sup>31</sup> номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинди. Тадқиқотнинг таянчли методологик манбалар асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республика Президентининг ишлари, мазкур тадқиқотнинг муаммоли қирраларига жавоб берувчи умумий ва махсус манбалар асос бўлди. Амир Темур мусиқий-саҳнавий асарларда бош қаҳрамон сифатида Ғарбий Европа композиторлик ижодиётининг буюк намоёндалари – Франческо Гаспарини, Георг Фридрих Гендель, Антонио Вивальди қаламларига мансуб, турли тарихий йилларда яратилган номдош «Tamerlano» опералар – бош манбалар ўрнида қайд этилади. Шунингдек, танланган мавзунинг атрофлича ўрганишда чет элда мазкур масала бўйича чоп этилган ёзма манбалар, архив ҳужжатларидан келтирилган маълумотлар, бадиий, саҳна асарларининг нота нашрлари зарур манбалар сифатида хизмат қилган.

Ғарбий Европа композиторлик ижодиётида Амир Темур образи масаласи мусиқашунослик соҳасида ҳанузгача атрофлича ўрганилмаганлиги ва фанда тадқиқ этилмаганлиги диссертацион тадқиқотнинг мавзусини белгилаб, уни ёзилиши қай даражада долзарб эканлигини аёнлаштирди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Миллий ва жаҳон мусиқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий тамойиллари» доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ғарбий Европа композиторлик ижодиётида Амир Темурга бағишлаб яратилган мусиқий-саҳнавий асарларнинг ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ғарбий Европада Амир Темур шахси ва образига бағишланган тарихий, илмий, саҳнавий ва мусиқий адабиётлар доирасини кенгайтириб, тизимлаштириш;

мусиқий-саҳнавий асарларнинг тарихий-жуғрофий таҳлилини ойдинлаштириш;

Амир Темур образи талқинида ҳақиқат ва бадиият масаласига илмий баҳо бериш;

XVII-XVIII аср Европа опера санъатининг умумий қонуниятлари ва бадиий тамойилларини ўрганилиши асосида (даврнинг тарихий ва эстетик қадриятлари, манбашунослик, мусиқий драматургия, мусиқий-саҳнавий жанрларнинг ўзига хослиги, барокко ва классицизм опера ва ижрочилик

<sup>29</sup> Эрматов Б. Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввур ва талқинлар).10.00.04 филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси Автореферати. – Т.: 2019. – Б. 60

<sup>30</sup> Кароматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий». Дисс. канд. фил. н. – Т.: 1990. – С. 21

<sup>31</sup> Хамраева М. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (насрий асарларда Амир Темур образи): Филол. фан. ном. дис. автореф. – Т.: 2010. – Б. 22



санъати, либретто анъаналари) Амир Темур образининг мусикий талқинларини мусиқашунослик нуқтаи назардан асослаш;

қахрамон образининг ўзига хос қирраларини (Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель, А.Вивальди операларининг таҳлили мисолида) тавсифлашда, асарлар матнидан ўрин олган қахрамоннинг яккагон ва ансамбль баёнларига таяниб (ария, речитатив, ариетта, дуэт, трио, квартет ва б.) таҳлил этиш, шунингдек, ўзга композиторлар яратган Амир Темур образлари билан қиёсий кўриб чиқиш;

Ғарбий Европа маданиятининг бадиий қадриятлари кесимида Амир Темур шахси тутган ўрни ва мавқеини белгилаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ғарбий Европа композиторлари ижодида Амир Темур бош қахрамон бўлган мусикий-саҳнавий асарлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Амир Темур образини XVII-XVIII аср мусикий-саҳнавий асарлардаги талқини, ривож ва трансформацияси, мазкур образнинг композиторлик ижодиётидаги (Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель, А.Вивальди) ўрни ва мавқеи белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мусикий-тарихий йўналишда бажарилгани боис, тарихий-процессуал, ретроспектив, қиёсий, мажмуавий ва тизимли усуллар тадқиқотда қўлланилган. Амир Темур образи талқини шунингдек, маънавий мерос ва қадриятлар кесимида кўриб чиқилиб, мусиқашуносликда умумназарий ва умумэстетик таҳлиллар асосида шаклланган назарий-таҳлилий ва мусикий-танқидий ёндашувларга асослангандир.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Европа композиторлик ижодиётида Амир Темур шахсига бўлган қизиқиш барокко даврида яратилган 50 дан зиёд мусикий-саҳнавий асарларнинг бадиий-мусикий қиймати билан далилланган;

санъатдаги бадиият ва ҳақиқат тамойили Амир Темур образи талқинларининг таҳлили асосида исботланган;

XVIII аср опера санъатининг бадиий-эстетик ва композиторлик услуби илк бор Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель ва А.Вивальдининг номдош мусикий-саҳнавий асарлари асосида очиб берилган;

Амир Темурнинг Ғарбий Европа тарихий-бадиий қадриятлари кесимида муҳим ўрин тутиши асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Европа ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларида асарлар мобайнида Амир Темур шахсига бўлган катта қизиқиш бадиий, тарихий ва илмий асарлар билан бир қаторда мусиқа санъатида аниқланган ёрқин намуналар орқали асослаб берилган;

Амир Темур образини бадиий адабиёт, театр ва мусикий-саҳнавий асарлардаги талқини, ўрни ва мавқеи тарихий ҳақиқат ва бадиият нуқтаи назардан асосланган;

Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель ва А.Вивальди операларининг таҳлилларида Амир Темур образини тўлақонли англаш имкони яратилган;

Соҳибқирон Амир Темур билан бевосита боғлиқ асарлар Олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юр்தларининг жаҳон композиторлик ижодиётини ўрганишда қўшимча адабиёт бўлиши, тарихий ва назарий маълумотлар ўрнида хизмат қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда олинган хулосаларнинг тарихий-танқидий тавсифлаш, Амир Темур образи талқинини очиб беришда ўтмиш нота манбаларининг таҳлиллари ва замонавий мусикашуносликнинг тадқиқ усуллари асосланиши билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Европа композиторлик санъатининг тарихий саҳифаларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади. Амир Темур образининг ижодий талқини орқали кенг тарихий давр мобайнида юзага келган фалсафий-этик, эстетик қарашлар, шунингдек, Шарқ ва Ғарб маданиятларини ўрганишда ханузгача очилмаган қирраларни ўрганишга асос бўлиб, тарих, адабиёт, театр, мусиқа санъати соҳаларида Амир Темур шахси билан бевосита боғлиқ асарларнинг моҳиятини идрок этиш ва янги тамойиллар асосида тадқиқ қилиниши учун имкон беради. Ўзлимизни англаш, комил инсонни тарбиялаш каби муҳим маънавий-маърифий масалаларни ижобий ҳал этиш жараёнида ҳам алоҳида аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар Олий ва ўрта махсус мусиқа таълим муассасаларида чет эл мусикасини ўрганишда, хусусан, «Жаҳон мусикаси тарихи», «Ўзбекистон мусиқа маданияти» фанларига доир дарслик ва қўлланмалар яратилишига, шунингдек, «Жаҳон мусиқа маданияти», «Мусиқий асарлар таҳлили», «Вокал ижрочилик», «Мусиқий драматургия асослари», «Опера драматургияси», «Маданиятшунослик» каби тарихий ва амалий фанларнинг янада такомиллашувига, Ғарбий Европа композиторларининг ижодий мероси, мусиқий даврлар ва услублар, жанрлар ва муайян асарларни замонавий оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Ғарбий Европа операларида Амир Темур образи» тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Амир Темур шахсига Ғарбий Европа ижодиётида бир неча асрлар мобайнида сўнмаган қизиқиш ва композиторлик ижодиётида яратилган мусиқий-сахнавий асарлар ҳақида олинган муҳим натижалар «Жаҳон мусиқа тарихи» номли ўқув қўлланманинг «Г.Ф.Гендель ижоди» деб номланган бобида ўрин олди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сон буйруғи). Натижада талабалар Ғарбий Европада Амир Темурга бағишлаб яратилган мусиқий-сахнавий

асарлар қаторида Г.Ф.Гендель ижоди ҳақида янги маълумотларга эга бўдилар;

Ғарбий Европа композиторлик ижодиётида Амир Темур образига бағишлаб яратилган ва илк бор диссертация матнида эълон қилинган асарлар рўйхати, уларнинг муסיқий тавсифи «Ўзбек муסיқа маданияти» номли ўқув кўлланманинг «Амир Темур қиёфаси Европа опера ижодиётида: ҳақиқат ва бадиият» номли бўлимда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги 89-03-205-сон маълумотномаси). Натижада талабалар Ғарбий Европада Амир Темур образига бағишлаб яратилган янги муסיқий-саҳнавий асарлар хусусида тасаввурларини кенгайтirdилар;

Ғарбий Европа бадиий кадриятлари кесимида Амир Темур шахси тутган ўрни ва мавқеи, муסיқий образ талқинида ҳақиқат ва бадиият муаммосини ўрганилиши асосида олинган натижалар Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг «Муסיқашунослар билан учрашув» доирасида ўтказилган «Ғарбий Европа бадиий кадриятлари кесимида Амир Темур шахси» мавзуидаги тадбирда фойдаланилди (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2019 йил 2-апрелдаги 01-04/66-110-сон маълумотномаси). Натижада ёш композиторлар, муסיқашунос ва ижрочилар жаҳон муסיқа ижодиётида Амир Темурга бағишланган асарларнинг турли композиторлар талқинлари билан танишиб аниқ билим ва хулосаларга эга бўлган;

Буюк немис композитори Г.Ф.Гендельнинг «Tamerlano» (1724) операсида Амир Темур образининг ижодий талқини, мазкур образ Ғарб ижодкорларининг саҳна асарларида қай даражада трансформация этилиши ҳақида олинган натижалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Нотадаги тақдирлар» радио эшиттиришининг сценарий матнида фойдаланилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонаси 2019 йил 21-январдаги О'z IR-1-14-сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар жаҳон опера санъатида буюк аждодимизга бағишлаб яратилган асарларнинг муסיқий талқини билан танишиш имконига эга бўдилар.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан биттаси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 145 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Киришда** тадқиқот масалалари шакллантирилиб, танланган мавзу ва унинг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Биринчи боб «**Амир Темур Ғарбий Европа муаллифлари нигоҳида**». Бугунда Амир Темур ҳақида қолдирилган ва бизгача етиб келган қўл ёзма ҳолидаги тарихий ёдгорликлар, илмий тадқиқотлар ва бадиий дурдоналарнинг қиймати бениҳоя катта. Уларни ўрганилиши асносида Ғарбий Европада Амир Темурга нисбатан тарихан шаклланган турли-туман, баъзида қарама-қарши ва чалқаш қарашлар дастлабки ва ягона манбалар қаторида ижодкор аҳли учун «хазина» вазифасини бажариб, бадиий ижодиёт тизимида мазкур образни трансформация қилиниши, эгаллаган мавқеи ва ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

«**Амир Темур бадиий, тарихий ва илмий асарлар марказида**» (§1.1) деб номланган бобнинг биринчи фаслида Соҳибқирон Амир Темурга чет элда бағишлаб яратилган қўл ёзма ва рисолалар, тарихий, илмий, бадиий асарлар билан бирга аниқланган янги манбалар таҳлилига эътибор қаратилган.

Буюк ва қудратли салтанатни барпо этган Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул ҳарбий юришлари, серкирра фаолияти, асрлар мобайнида дунё аҳли эътиборида бўлган. Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигини эълон қилган дастлабки йиллардаёқ Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқат тикланди. Шўро тизими даврида Амир Темур шахси адолатсиз қораланиб келинди. Шарқда Амир Темур ва темурийлар даврини тарихига эътибор сусайган бир вақтда, Европада аксинча чандон кучайиб боради. Чет эл олимларининг бугунга қадар Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳақида яратган ўнлаб тарихий, юзлаб илмий, бадиий асарлари, рисола ва мақолалари бундан далолат беради. Ғарбий Европа кутубхоналарида сақланган ва нашр этилган ноёб асарларни халқимиз узоқ вақт мобайнида нафақат изчил ўрганишга, балки юзаки танишиб чиқиш имконидан ҳам маҳрум бўлганлар. Диссертациянинг ушбу фаслида замонавий темуршунослик мактабининг таянч пойдеворини ташкил этган, Соҳибқирон Амир Темур шахсини бугунги кунда ҳолисона ўрганиб баҳолашда у зот ҳақидаги тарихий адолатни

тикланишида асос бўлган тарихий манбалар қайд этилади. Шулар қаторида Р.Клавихо, М.Палеолог, И.Шильтбергер, П.Перондинус, Ф.Ланикериус, Л.Лангле, П.Мексия, П.Жиовио, Г.Левенклоу, Ж.Буассар, Г.Вамбери, И.Гёте, Вольтер, Ж.Расин, Х.Хукхэм, Л.Керен ва шулар каби бир қатор тарихшунос олимлар ва ёзувчиларнинг Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишда қўшган ҳиссалари алоҳида белгиланган. Биринчи нейтрал, ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳолаб берувчи тарихий ва бадиий ашёлар, сўнгги давр муаллифлари талқинларида (XVI асрдан эътиборан) ўз қарашлар нуқтаи назаридан деярли ўзгармай, қисман янги маълумотлар билан чатиштирилган ҳолда ҳавола этилган. Бир неча асрлар давомида чет элда чоп этилган Амир Темур шахси ва мазкур давр тарихига оид қадимги манбалар ўзбек темуршунос олимлари томонидан ҳам изчил ўрганилиб, таржима қилинган ҳолда ҳалқимиз эътиборига тақдим этилди. Бугунда аниқланган янги манбаларни ўрганиш асносида ушбу рўйхатни янада тўлдириш фурсати келди.

Санъат соҳасида мазкур масала бир қатор немис олимлари изланишларининг марказида тургани ҳам диққатга сазовор. Шу қаторда Макс Дегенхарднинг 1913 йилда нашр юзини кўрган «Темур Ғарбий Европа адабиётида» («Tamerlan in der literatur des Westlichen Europas») номли монографияси эътиборга молик<sup>32</sup>. Маллиф чет элда Амир Темур ва темурийлар даврига бағишлаб яратилган бадиий ва саҳнавий асарларни илк бор жамлаган катта рўйхатни ҳавола қилади. Амир Темур образи Европа бадиий ижодиётида асосан унга таққослаб берилган иккинчи шарқ қаҳрамони – Боязид образи билан солиштирилиши, Анкара атрофида бўлиб ўтган жаҳоншумул тарихий жанг ва унинг асоратлари европаликларнинг диққат-эътиборидан сўнгги асрларда ҳам сўнмай келганидан далолат берган. Амир Темурга бағишлаб яратилган саҳна асарлари ва улар учун асос бўлган тарихий манбалар хусусида муаллиф томонидан келтирилган қимматли маълумотлар диссертацион тадқиқотимизнинг образ трансформациясини белгилашда муҳим бўлди.

Мазкур мавзуга оид тадқиқотлардан Эдуард Биннинг драматург Н.Роунинг «Темур» асари («Nicholas Rowe Tamerlan») ҳақида ёзган тадқиқоти ҳам диққатга сазовор<sup>33</sup>. Муаллиф Н.Роу асарининг тарихий аҳамияти, бадиий ва эстетик қийматини таҳлил қилар экан, Амир Темурни нафақат мусулмон балки жаҳоннинг қудратли шахсларидан бири, деб эътироф этади. Тадқиқотда Чарльз Сандерс қаламига мансуб «Буюк Темур» («Tamerlane the Great») ва яна бир қатор мавзуга оид асарларнинг таҳлили ўрин олган.

---

<sup>32</sup> Degenhart M. Tamerlan in den Literaturen des westlichen Europas. // Aches Buch: Vom Weltfrieden bis zur französischen Revolution 1830: Dichtung der allgemeinen Bildung. Abteilung VI. – P. 137

<sup>33</sup> Bünning E. Nicholas Rowe, Tamerlane, 1702. Inaugural-Dissertation zur Erlangung der Doktorwürde der Hohen Philosophischen Fakultät der Mecklenburgischen Landesuniversität Rostock (Classic Reprint). – Олимп-Бизнес, 2019. – P. 74.

«Ғарб адабиётида Темур ва Боязид» («Tamerlan und Bajazet in den literaturen des Abendlandes») номи билан 1912 йили чоп этилган яна бир тадқиқот немис олими Оттокар Интзенинг томонидан олиб борилиб<sup>34</sup>, юқорида қайд этилган немис олимларнинг изланишларини давом эттирган ҳолда уларни янги маълумотлар билан бойитди. Хусусан, муаллиф томонидан бизгача сақланиб етиб келмаган, бироқ, мазкур бадиий асарлар мавжудлиги ҳақида дарак берувчи ашёлар – ёзма далиллар, асарларнинг нота парчалари, шеърӣ матнлар, сахна лавҳалари ва ўзга муаллифларнинг асарларидаги иқтибосларни келтирилиши асосида аниқланган кўплаб бошқа асарлар мавзуни ўрганиш харитаси ўз вақтида нақадар кенг бўлганидан далолат беради.

Биринчи бобнинг «**Сахнавий асарларда Шарқ қаҳрамони: бадиият ва ҳақиқат**» (§1.2) деб номланган иккинчи фаслида XVI-XX асрга қадар яратилган тарихий манбаларни бадиий ижодиётдаги намуналари, жумладан, Европа сахналарида машҳур бўлган асарларнинг ўрганилишига бағишланган.

Маълумки, Европада Шарқ мавзулари билан боғлиқ илк бадиий, сахнавий-муסיкий асарлар театр ихлосмандлари, маҳаллий зиёлилар учун нафақат қизиқарли воқеаларга бой экзотик сюжет, балки янги маълумотлар билан томошабинларни таништириш йўлида Шарқ олами (жуғрофӣ, сиёсий, маданий ҳаёти)га нисбатан тасаввурларини кенгайтириш, бутун дунёни ларзага солган «мусулмон дунёси ҳукмрони» Амир Темур шахси ҳақида қарама-қарши муносабат ва қарашлар шаклланиши учун замин яратади. Амир Темур ва Боязид образлари насроний европаликлар учун мусулмон Шарқининг бош қаҳрамонларига айланди.

XVI асрга тааллуқли бўлган бир қатор манбалар, буюк Шекспир салафи, таниқли инглиз шоири, қиролича Елизаветанинг драматурги Кристофер Марло томонидан 1587-1588 йиллар мобайнида яратилган «Буюк Темур» («Tamburlaine the Great») фожиасида ўз аксини топди. Асар «оқ шеър» вазнида ёзилган бўлиб, ўз вақтида муаллифга катта шон-шухрат келтирди. Марло анъаналари кейинчалик бир қатор француз ва инглиз драматурглари Пьер Корнель, Жан Расин, Мадлен дю Скюдери, Жон Драйден фожиаларида давом этади.

Диссертацияда XVII аср француз драматурги Жан Магنون «Буюк Темур ёки Боязид вафоти» («Le grand Tamerlan ou la mort de Bajazet»), инглиз драматурги Жан Сервоутерснинг Амстердамда 1657 йили ёзиб сахналаштирилган «Буюк Темур, ёхуд турк султони Боязид вафоти» («Den grooten Tamerlan, met de dood van Bayaset de I, Turks keizer») пьесаси, ёзувчи Николас Прадон «Темур ёхуд Боязид вафоти» («Tamerlan ou la mort de Bajazet») номли новелласи, инглиз драматурги Чарльз Сандерснинг (Charles Saunders) «Буюк Темур» («Tamerlane the Great») ва 1686 Францис Фененинг

---

<sup>34</sup>Inze O. Tamerlan und Bajazet in den Literaturen des Abendlandes. – Erlangen. 1912. Op.60. // Druc der Univ.-Buchdruckerei von E.Th.Jacob. – S. 60

«Қурбонлик» («The Sacrifice») номли фожиа асарлари ҳақида аниқланган муҳим маълумотлар ўрин олади.

Ҳозирги кунда Британия музейида XVIII асрда яратилган инглиз драматурги Вилиам Попплинг «Илтифотли Темур» («Tamerlan the Beneficent». 1720), Парижда эса 1739 йили де Пакарони (de Pasaroni) нинг «Вазир Боязид» («Vajazet Premier») номли 5 актли фожиаси ҳақида маълумот ҳам жамланган. Амир Темур образи муаллифи аниқланмаган асарлар қаторида мадмуазель де ла Рош Гулхемга атаб бағишланган «Темур» («Tamerlan» 1710) асарида, инглиз романист ва драматурги Мэтью Грегори Льюиснинг «Темур тартар» («Tamerlan tartar») романтик драмасида ҳамда француз шоири, журналист ва драматург Чарльз Брифаутнинг «Боязид ёри» («La fille de Vajazet») асарларида ҳам гавдаланган.

Даниялик шоир Иоханнес Карстен Хаух қаламига мансуб «Боязид» («Vajazet»; Копенгаген, 1828) фожиаси Боязид ва Амир Темур ўртасидаги муносабатларни ёритишга қаратилганлиги, ушбу мавзу XIX асрда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини кўрсатади. Бизгача шунингдек, Австро-Венгрия драматурги, шоири, Шиллер мукофоти совриндори Франц Ниссель қаламига мансуб «Темур Исфахонда» («Timur in Israhah»; 1896.) шоирона драматик асарининг бир қисми (I-акт) ҳам етиб келгани маълум.

XVIII асрнинг сахна асарлари қаторида машҳурлиги бўйича Шекспир дурдоналари билан тенг топилган ва ўз даврининг таниқли асарларидан бирига айланган инглиз драматурги Николас Роу томонидан 1701 йили яратилган «Темур» («Tamerlane») трагедияси алоҳида ўрин тутди<sup>35</sup>. 1701 йилда яратилган мазкур асарда Н.Роу ўз даврининг сиёсий аллегориялари сифатида Вильгельм III ва Людовик XIV, шунингдек, Буюк Британиянинг демократ ва либерал партиялари ўртасидаги тафовутни кўрсатишга мақсад қилган. «Tamerlan» Девоншир герцоги Уильям Маркусга бағишланган бўлиб, Амир Темур шахси ва жаҳоншумул фаолиятини юкори баҳолайди: «...Унинг (Амир Темур) жасорати, унинг саҳийлиги, унинг сабр-тоқати, халқига бўлган оталик қайғуриши ва биринчи навбатда зулм ва жаҳолатга бўлган нафрати, инсоният манфаатини ўйлаб қилган ғамхўрлиги худди Сизга ўхшайди, Ҳазратим...»<sup>36</sup>. Муаллиф нигоҳида у тинчлик ўрнатувчи шахс сифатида нафақат ўзининг буюклик шарафини тасдиқлашга, балки ўз мамлакатининг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилишга интилади: «Ўз Давлати манфаатлари учун қайғурган бу художўй ҳукмдор, тинчлик учун керак бўлса жанг майдонида ўз қонини тўкишга тайёр эди» («Had fought, and suffer'd for his Country's Good. Yet sought not Fame, but Peace, in Fields of Blood»), деган сатрларни ёзади<sup>37</sup>. Расмий кўринишда спектаклни "қахрамонона" деб таснифлаш мумкин. Мавзу ва сюжет, олий табақага

<sup>35</sup> Tamerlane a tragedy. Written by N. ROWE, Esq; – Magnus ad altum Fulminat Euphraten bello, Victorque volentes Per Populos dat jura, viamque affectat LONDON: Printed for Jacob Tonson at Shakespear's Head over-against Catherine-Street in the Strand. I.D3 – 1714

<sup>36</sup>Қаранг: ўша манба 4-б.

<sup>37</sup> Шу ерда

мансуб бош қаҳрамонлар ва экзотик тасвир – буларнинг барчаси ушбу жанрнинг асосий вазифасини ёритишга, яъни, томошабинда ҳайратланиш туйғусини уйғотишга мўлжалланган. Қаҳрамонлар ижобий ва салбий тоифаларга бўлиниши пьесада аниқ кўрсатилган. Қарама-қаршилиқнинг моҳияти асарнинг биринчи ҳаракатиданоқ аниқланади ва сўнгги босқичида жадал ривожланиши билан қувватланади. Шу билан бирга, драматург томонидан анъанавий спектакль моделининг деярли ҳар бир элементи киритган ўзгаришлар, томошабинларни ўзгарувчан эҳтиёжларини инобатга олиш борасида, айни дамда фожиа жанрида олиб борилган изланишларни илк тажрибасига айланди деб, белгилаш мумкин. Сентиментал модаллик ва тарбиявий мафкуранинг таъсири ушбу фожиада сезиларли даражада намоён бўлади. Бош қаҳрамон – умумлаштирилган тасвиридаги маърифатпарвар монарх. Муаллиф фикрига кўра, у номукамал жамиятни ақл ва уйғунлик салтанатига айлантиришга қодир. Драматург учун Тамерланнинг Боязид устидан ғалабаси шунчаки тарихий далил бўлмай, спектаклда бу ақл ва ахлоқнинг ғалабали тантанасидир. Қаҳрамонона ва классик фожиаларга хос бўлган ижтимоий-сиёсий масалалар мазкур асарда севги-муҳаббат мавзуси ортида ёритилиб, бош қаҳрамонлар тортган азобларига ачиниш туйғуларини уйғотиш ортида бирлаштирилган.

Диссертациянинг мазкур фаслида ёритилган бадий асарлар ўз даврининг машҳур саҳнавий талқинлари бўлиб, сўнгги авлод ижодкорлари учун образ талқини борасида муҳим аҳамият касб этди ва образ трансформациясини амалга оширишда асосий йўналишларни белгилаб берди. Баъзи асарларда Амир Темур бош қаҳрамон, айримларида иккинчи даражали, баъзиларида эса эпизодик лавҳаларда келишига қарамай, унинг номи асарнинг бош сарлавҳасида эълон қилиниб, асарнинг марказий қаҳрамони ўрнида қайд этилади. Бу эса Амир Темур образини Ғарбий Европа бадий ижодиётида юқори мавқеи ва машҳурлигининг исботидир.

Иккинчи боб «**Ғарбий Европа мусиқа санъатида Амир Темур қиёфаси**». Композиторлик ижодиётида мазкур тарихий образ асарлар давомида оммалашиб машҳур бўлган. Бироқ, жаҳон мусиқа илмида бу масала деярли мусиқашунос олимлар эътиборидан четда қолди.

«**Композиторларнинг Амир Темур шахсига мурожаати**» (§2.1) деб номланган марказий фаслда шу кунга қадар Амир Темур бош қаҳрамон сифатида эълон қилинган ва XVII асрдан эътиборан то XX асрга қадар яратилган Ғарбий Европа композиторлик ижодиётидаги намуналар қамраб олиниб, тарихий ретроспектив манзара кесимида илк бор ёритиб берилади. Опера етакчи мусиқий саҳнавий жанр сифатида Амир Темурга бағишлаб XVII-XVIII асрлар мобайнида яратилган Ғарбий Европанинг аксарияти жанр асосини белгилангани боис, тадқиқот вазифаларини ечиш билан бирга, изланишлар асосида аниқланган мусиқий-саҳнавий асарларнинг рўйхати тўлдирилиб тизимлаштирилди. Амир Темур бош қаҳрамон ўрнида эълон қилинган мусиқий ва саҳнавий асарларнинг салмоқли қисми афсус бугунги



кунга қадар сақланиб, етиб келмади. Айримлари тарих саҳифаларида қолиб кетди, мавжудлари эса кўлёзма ва нусха кўринишида ҳозирда чет элнинг шахсий ва давлат кутубхоналарида сақланмоқда.

Италияда Амир Темур ҳақида машҳур бўлган сюжетлардан бири таниқли либретточилар Августино Пиовене, Джулио Чезаре Корради, Бернардо Саддумене қаламига мансуб эди. А.Пиовене «Темур» («Tamerlano») либреттоси бу борада энг кўп мурожаат қилинган манбалардан биридир (либреттога 40 зиёд композиторлар мурожаат қилган). Образ талқинининг таҳлили учун асос бўлган либреттоларнинг қисқача мазмуни диссертациянинг иловасида келтирилган.

Т.Ғофурбеков келтирган маълумотларга кўра, Амир Темур образини Европада дастлаб гавдалантирган композиторлардан бири, Неаполь опера мактабининг асосчиси Алессандро Скарлатти ва бир қатор италиялик композиторлар, жумладан, Леонардо Лео, Никколо Порпора, Антонио Вивальди, Антонио Саккини, Антонио Сапиенца (ўғил) ва буюк немис композитори Георг Фридрих Гендель ҳисобланади. Эълон қилинган муаллифлардан ташқари, тадқиқотимизда ушбу мавзуга мурожаат қилган ва аниқланган кўплаб янги ижодкорлар номи, жумладан, либретточи ва композиторларнинг мусиқий-саҳнавий асарлари, муаллифлар ва асарлари ҳақидаги тарихий маълумотлар жамланиб, ретроспектив ёндашув асосида илк бор тизимлаштирилди.

Амир Темур бош қахрамон сифатида эълон қилинган асарларнинг жуғрофий харитаси Ғарбий Европа чегарасидан бирмунча кенг. Мусулмон Шарқ қахрамонлари шунингдек, Шотландия, Чехия, Словакия, Аргентина мамлакатларнинг композиторлик ижодиётида ҳам муҳрлангани эътиборга молик.

Ғарбий Европа композиторлик ижодиётида Амир Темур образига мурожаат қилинишининг дастлабки мисоллари М.А.Зиани «Буюк Темур» (Il Gran Tamerlano; 1689) ва И.Ф.Фортчнинг «Буюк Темур» (Vajazet va Tamerlan; 1690) опералари ҳисобланади. Амир Темур XVIII-XX асрларнинг таниқли композиторлари, шу жумладан А.Скарлатти (1706), Ф.Гаспарини (1717), Л.Лео (1722), Г.Ф.Телеман (1723), Г.Ф.Гендель (1724), Дж.Порта (1730), А.Вивальди (1735), Н.Порпора (1730), Дж.Джиэ (1737), Э.Дуни (1743), Дж.Кучи (1754), Дж.Сколари (1763), П.Гульельми (1765), Й.Мисливечек (1771), А.Саккини (1773), И.Рейхардт (1786), П.Винтер (1802), Г.Бишоп (1806), С.Майор (1812), Н.Ваккаи (1820), А.Сапиенца (1828), Дж.Холбрук (1939), С.Ник (1944) ва яна бир қатор ижодкорлар бисотида ўрин олган. Асарларнинг сон кўрсаткичи, мазкур намуналарни Ғарбий Европа театрлари мавсумларида йиллар давомида муваффақият билан кўйилиши, мутахассислар томонидан уларга берилган тақризлар, ушбу асарларнинг мавқеи ва эгаллаган ўрни юқорилигини исботлаб беради. Мусиқий саҳна асарлари қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда Амир Темур образи солиштириш ва таққослаш усуллари (Боязид ва Темур), севги-мухаббат, ички

кечинмалар ва ҳиссиётларини ёритиб бериш орқали ойдин бўлади (Темур – Астерия – Ирена ва б). Муסיқада қўлланилган бу усуллар, «opera-seria» андозаларида тақдим қилиб берилиши мумкин бўлган бирдан-бир муқобил йўллардан бири бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз.

XVIII асрга қадар композиторлик ижодиётида Амир Темур асосан сахна асарларининг бош қаҳрамони сифатида танланган бўлса-да, XIX-XX асрлар бошига келиб Англия композиторлик ижодини бошқа жанрларида Шарк мавзусига бўлган қизиқиш чандон кучайиши кузатилади. 1806 йили инглиз композитори Сер Генри Бишоп томонидан яратилган «Темур ва Боязид» («Tamerlane and Bajazet») номли катта балет илк бор қирол театри сахнасида сахналаштирилди. Иккинчи Жаҳон уруши арафасида 1939 йили инглиз композитори, пианист Джозеф Холбрук «Темур» («Tamerlane») номли жуфтли концертини ёзиб қолдиради. Яна бир йирик инглиз композитори, композиторлик уюшмасининг раиси Адриан Френсис Круфт 1962 йили оркестр учун «Темур» («Tamburlaine») симфоник асарини яратгани маълум.

Замонавий муסיқашуносликда мазкур образни атрофлича тадқиқ этилиши ўз навбатида Фарбий Европа ижодиётида асрлар мобайнида рўй бераётган динамик ўзгаришлар, жумладан опера санъати ривожини билан боғлиқ бўлган чуқур тарихий, ижтимоий, маданий ва эстетик омилларнинг объектив сабабларини ўрганишга хизмат қилади.

**«XVII-XVIII аср муסיқий-сахнавий асарларнинг эстетикаси ва ижрочилик масалалари» (§2.2)** деб номланган сўнгги фаслда муסיқий сахнавий образларнинг талқини бугунги муסיқашунослик нуқтаи назаридан ҳолисона ва тўғри баҳоланиши учун бирламчи омилларнинг аҳамиятини атрофлича тадқиқ этилиши билан боғлиқ. Жаҳон муסיқа санъатининг серқирра мероси ва бой тарихида барокко услуби алоҳида ўрин тутди. Айнан барокко даври «ижодкор аҳли фаолиятида изланишлар» шиори ортида ўтиб, новаторлик тажрибалар, конструкторлик ғоялар, муаллифларнинг маҳорати орқали янгича товуш жаранглари излашга тўртки беради. Опера мазкур даврнинг етакчи ва илғор муסיқа жанри сифатида ўзининг эстетик ва ижрочий тамойиллари, янги ифодавий воситаларни кашф қилиш борасида куйлаш услубларининг янгича қирраларини инкишоф этади. Маълумки, *bel canto* куйлаш анъаналарига кўра энг гўзал овоз соҳибларига операнинг бош қаҳрамонлари образларини ижро этиш юкланган (худодлар, афсонавий қаҳрамонлар, илоҳий ва қудратли кучларга эга бўлган шахслар ва б.). Шунга кўра *opera-seria* андозаларида сахнавий бош ва муҳим қаҳрамонларга тақсимланган образларда композиторлар энг чиройли ва гўзал овоз соҳибларига (кўпинча кастратлар зиммасига) мазкур партияларни юкланганлигини қайд этиш лозим. Ана шу нуқтаи назардан Амир Темур партияси кўпинча юқори овоз соҳибларига берилишини кўрамиз. Барокко операсида кастрат хонандаларнинг санъати туғилишига ҳам замин яратилди. Мазкур бўлимда кастрат хонандаларнинг барокко операларидаги мавқеи ёритилиши ўз навбатида асардаги бош қаҳрамон образини талқин ва таҳлили

билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳолисона баҳоланишида ёрдам беради. Кастратларнинг овоз диапозони кенглиги, тиниклиги ва тембр буёғи гўзаллиги, шунингдек, кастратларнинг ижодий имкониятлари *bel canto* ижро услубини тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, барча хонандалар учун андозага айланган товуш чиқариш, касбий куйлаш меъёрларини шакллантиришида намуна бўлди.

Барокко куйлаш анъанасида маълум ўзига хос шаклланган имо-ишора тизими мавжуд бўлган: ҳар бир эмоционал ҳолатга мос қаҳрамон ҳаракатлари ва қўл ишораларига амал қилинган. Сўнги босқичда опера тетарида бу анъаналарга итоат қилиш сусайиб боради. Бугунги кунга қадар *bel canto* ижро анъаналарини сақлаб қолиш ўз долзарблигини йўқотмай Италия мусиқа санъатининг ижрочилик мактабларида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.

*Opera-seria* намуналари ўзини саҳнавий драматургик камчилигига кўра замонавий концерт ижрочилигида, асосан концерт кўринишидаги номерлар сифатида хонандаларнинг репертуаридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барокко даврининг мусиқий-саҳнавий жанрларда ёритилган янги мавзулар ва бадий образлар доираси ўз навбатида мусиқий ифодавий тизимни янгиланишига, жанр ва шакл тузиш тамойилларини қайта кўриб чиқишига туртки берди. Опера театрининг драматик театрдан фарқи мусиқий драматургияси ҳаракатга эмас, балки аффектлар тизимида, қаҳрамонларнинг ички оламини акс этувчи ҳиссиётларга таяниши билан фарқланди.

Барокко операсининг риторик санъати ўз навбатида типик образларни яратиш учун махсус ишлатилган куйлар ва воситалар ишлаб чиқиши билан белгиланади. Мусиқий фигуралар ўзининг семантик талқинида махсус «белгилар» ўрнида, рамз ўрнида, уларга юклатилган ҳиссиёт ва тушунчаларни англашга, образни тўлиқлигини таъминлашга қаратилади. Ария – қаҳрамонларнинг аффектларини мужассам этган юқори номерлардан бири. Барокко опера образларнинг ҳар бирига бу борада маълум мусиқий-лексик иборалар ишлаб чиқилиши кўзга ташланади (қаҳрамонона ариялар – «*All'armi*» («Қурулни кўтар»), «*All'assalto*» («Жангга тайёр бўлиш»), «*Bravi*» («Довюррак»), «*Vittoria*» («Ғалаба»); қайғули изтиробли ариялар – «*Lasciatemi morir*» («Ўлишимга иммкон бер»), «*Piangere*» («Кўз ёш тўкиш»), «*Sospirare*» («Оҳ-воҳлар»), «*Per pietà*» («Раҳм қилинлар»), «*Crudele*» («Бажаҳил»), «*Misero*» («Бахтсиз»), «*Addio*» («Алвидо») кабилар шулар жумласидан). Барокко опера муаллифларининг ижодида шеърий матнга нисбатан айнан мусиқанинг мавқеини оширишга ҳаракат қилган ижодкорларгина опера серия намуналарида юқори бадий натижалари билан эътиборга тушади (А.Скарлатти, Г.Ф.Гендель, К.В.Глюк ва В.А.Моцартнинг ижоди шулар жумласидан) ва аксинча, либреттонинг мавқеини сақлаб қолишга интилган композиторларда бу жиҳатдан ҳеч қандай динамик ўсиш кузатилмаган. Ушбу омиллар барокко ва классик опера санъатининг тажрижий ривожланиш паллалари, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари, даврнинг эстетик ва

вокал-ижрочилик қадриятларини ўз ичига қамраб олиб, ўз навбатида диссертациянинг сўнги бобида ўрин олган таҳлилларни асослаб беришга кўмаклашади.

Учинчи боб «**XVIII аср операларида Амир Темур образи талқини**» деб номланиб, уч фасл мисолида ўз даврининг буюк ва илғор композиторлари – Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель, А.Вивальди томонидан шарқ қаҳрамони Амир Темурга бағишлаган таниқли муסיқий-саҳнавий асарларнинг таҳлилига қаратилди.

Ўз даврида машҳур бўлиб бутун Европада танилган итальян либретточи Августино Пиовене асари бугунги кунга келиб Амир Темур ҳақида муסיқий матни сақланиб қолган ва оммалашиб кетган буюк композиторлар – Ф.Гаспарини, Г.Ф.Гендель, А.Вивальди иждоҳларида ўрин олган ноёб муסיқий-саҳнавий асарларини ташкил қилади. Ҳар бир композитор барокко опера санъатининг қонуниятлари, эстетик қарашлари, ижрочилик мезонлари ва қадриятлари доирасида ёрқин истеъдоди, муסיқий тафаккури ва муаллифлик нигоҳи улароқ ўз даврининг илғор мафкуравий ғояларини ёритиб, бош қаҳрамон образининг талқини ва ривожига муносиб ҳиссасини кўшадилар.

Барокко опералари феноменини тадқиқ этган тадқиқотчилар (А.Юнеева, М.Сидорова, Ю.Лотман ва бошқалар) ушбу давр иждоҳкорлари асарларида биринчи ўринга инсон кадр-қиймати, уни идрок қилишда янги қарашлар тизими шаклланишини белгилаб, табиат ва онг, табиийлик, ахлоқ, тақдир ва тасодиф, бурч, эркинлик, санъатдаги идеал ва реаллик тушунчалари ёритилишини қайд этадилар. «Портрет» жанри барокко, сўнг классицизм опера санъатида етакчи мавқеини эгаллаб, «даврнинг маданий муҳри»га (Ю. Лотман) айланади.

**Ф.Гаспарини «Il Tamerlano» (§3.1)** деб номланган дастлабки боб фаслида итальян композиторининг етуқлик иждоҳ палласида яратилган операсининг таҳлилига эътибор қаратилади.<sup>38</sup> Асар 1711 йили театр карнавал мавсуми учун буюртма асосида муаллиф томонидан яратилди. Ушбу мавзуга Франческо Гаспарини саккиз йидан сўнг яна бир бор мурожаат қилиб, янги талқинда «Боязид» («Il Bajazet», «Режо-Эмилия» театри 1719) номи билан мазкур асарни саҳналаштиради. Опера – III акт, 47 та саҳна, 83 та номер (47 та речитатив, 34 та ария, терцет, якунловчи хор) ва илова қилинган увертюрадан ташкил топиб, итальян опера-seria анъаналарига биноан «ишқ-муҳаббат» можароси ортида ривож топади. Муסיқий драматургиянинг асосий мақсади икки кучли шахс (Амир Темур ва Боязид)ларни бир-бирига таққосланишига қаратилган.

Франческо Гаспарини операси итальян опера санъати тараққиётидаги бир даврга якун ясаб, «венециан қаҳрамонона опера» турининг ўзига хос феномени сифатида унинг ёрқин чўққисини англатади. Венециялик ислоҳотчи-либретточилари томонидан эълон қилинган операдаги бош

---

<sup>38</sup> Диссертациянинг сўнги матнида опера «Темур» номи билан келтирилади.

